



АУДИТ ИШИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қўшматов Отахон Қурбоналиевич,

Аудит” кафедраси катта ўқитучи, Тошкент молия институти
Email: qushmatov_otaxon@tfi.uz, ORCID: 0000-0002-6776-7041

PROSPECTS OF USING INTERNATIONAL STANDARDS IN EVALUATING THE QUALITY OF AUDIT WORK

Kushmatov Otakhan Gurbanalievich,

Senior teacher of the "Audit" department, Tashkent Institute of Finance
Email: qushmatov_otaxon@tfi.uz, ORCID: 0000-0002-6776-7041

JEL Classification: M1, M4, M42

Аннотация. Мазкур мақолада аудит иши сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш мақсади, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада аудиторлик текширувини ўтказишда иши сифатининг ички назоратини ўтказиш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари келтирилган. Жумладан, аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташиқи назоратдан ўтказиш алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган. Аудитнинг ўтказилиши чоғида аудитор иши сифатини назорат қилиш омиллари, критерийлари, шакллари ва улардаги текшириш амалларининг услубий масалалари баён этилади.

Abstract. This article describes the purpose, objectives and features of monitoring and assessing the quality of audit work. The article also presents the problems of internal quality control of work during verification and ways to eliminate them. In particular, an algorithm for external quality control of the work of audit organizations has been developed and put into practice. Quality control of work of the auditor when carrying out audit of

requirements of standards of audit and other normative documents regulating auditor activity is considered methodology questions

Калим сўзлар. Иши сифатини ташиқи назорати, иши сифатини ички назорати, эксперт ишидан фойдаланиш, ички стандарт; аудит умумий режаси; аудит дастури

Keywords. External quality control of work, internal quality control of work, use of expert works, internal standard; overall audit plan; audit program

Қириш. Бугунги кунда аудиторлик фаолияти дунёдаги кўпгина мамлакатларда юқори савияга кўтарилган. Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш учун бир қанча қонунлар ва стандартлар ишлаб чиқилган. Аудитор иш сифатини назорат қилиш текширувнинг биринчи босқичидир.

Аудиторлик фаолиятини муҳим томонларидан яна бири шундаки, у йиллик бухгалтерия ҳисоботини ҳаққонийлигини тасдиқлаб туриб, ўз ҳулосаси билан хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига мос сифат

“белгисини” қўяди. Шу билан бирга фойдаланувчилар инвестицион сиёсатни аниқлаш ва келажакда дивидендлар олиш эҳтимолини баҳолаш имкониятини берувчи тадбиркорлик экспертизаси амалга оширилади. Айниқса, аудиторлар мижоз фаолияти ривожланишини қисқа ва узоқ муддатли прогнозлаш ҳисоб-китоб-ларини малакали баҳолашни ўрнини камайтирмасликлари лозим. Аудиторлик ташкилотлари, шу жумладан консалтинг фирмалари таркибига кирувчи ташкилотлар илмий-техника ривожланиш ва бошқарув даражасини оширишни жорий этишга мослашган. Шунинг учун аудиторлик фаолиятининг сифати муҳим аҳамият касб этади.

Сифат даражасининг ҳуқуқий асоси «Аудит сифатини назорат қилиш» номли 220-сон ХАС ҳисобланади. Аудитор иш сифатини назорат қилиш аудитнинг ўтказилиши ва аудитга турдош хизматларнинг кўрсатилиши чоғида унинг андозалари ва аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа хил меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини текшириш учун фойдаланиладиган ташкилий чоралар, услублар ва жараёнлар тизимини ўз ичига олади.

Материал ва метод. Ҳар бир аудиторлик ташкилоти ши сифати устидан назорат қилиш тамойиллари ва қоидаларини, шунингдек, улардан фойдаланиш жараёнларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим. Бу эса аудитнинг ўтказилиши жараёнида текширишнинг умум белгиланган андозалари билан зиддиятларнинг юзага келмаслиги учун зарурдир.

Аудит ишсифатининазоратқилишбир неча шаклларда амалга оширилади:

–асосий аудитор томонидан ўз ассистентлари ишини назорат қилиш;

–аудиторлик ташкилоти томонидан аудитор ишини назорат қилиш;

–ташқиназорат.

Асосий аудиторнинг ўз ёрдамчи аудиторлари ишини назорат қилиши унинг иш сифатини текширишда жуда муҳимдир. Асосий аудитор аудитнинг ўтказилиши жараёнида ёрдамчи аудиторлар томонидан бажарилаётган ишларни доимий равишда назорат қилиши ва йўналтириб бориши керак. Ёрдамчи аудиторлар деганда асосий аудитордан касбий даражаси жиҳатдан фарқ қилувчи ходимлар тушунилади.

Сифат назорати таъминлаш борасидаги ташкилий ишлар аудиторлик текширувидан олдин амалга оширилиши керак. Аудиторлик ташкилоти ходимларининг, яъни аудиторлар, экспертлар, мутахассислар малакасининг юқори даражада бўлишини таъминлаши зарур. Бунинг учун биринчи навбатда кадрларнинг махсус процедураси кўзда тутилиши лозим. Айниқса, ишга қабул қилиш жараёнида малака имтиҳонларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Имтиҳонлар (масалан, бухгалтерия ҳисоби, солиқ, аудит саволлари бўйича тестлар) бир қанча босқичларда амалга оширилиши лозим.

1-босқичда ишга кирувчиларнинг билим даражасини аниқлаш ҳамда унга мос равишда лавозимни эгаллаши учун тест ўтказилади.

2-босқичда аниқ лавозим учун билим даражасини аниқлаштириш мақсадида мукаммаллаштирилган тестни ўтказиш мумкин. Имтиҳонларни тест шакли билан биргаликда суҳбатгарзида ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда қуйидагилар муҳимдир:

– ишга кирувчи аудиторлик

фаолиятининг моҳияти, аудиторлик ташкилотлари мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари деганда нимани тушунади;

- ностандарт вазиятларда ишга кировчининг ҳаракатлари;
- ишга кировчининг назарий ва амалий малакаси;
- янги иш жойи билан боғлиқ келажақдаги режалари;
- хизмат сафарига тайёрлиги;
- хизмат мажбуриятларини

бажаришга таъсир этиши мумкин бўлган оилавий шароитлари қандайлиги.

Сифат назоратчилари томонидан нафақат аудит сифатининг ички назорати тизими белгиларининг мавжудлиги, балки унинг принциплари аудиторлик ташкилотининг оддий ходимларига етказилиши, мазкур тизимнинг амалиётда қўлланилиши ҳам текширилади.

1-жадвал

Аудитни ўтказишдаги ички сифат назоратининг мақсад ва тадбирлари¹

Ички сифат назорати мақсадлари	Ички сифат назорати тадбирлари	Ички ҳужжат, назорат усуллари (мисоллар)
Ўтказилаётган аудиторлик текширувнинг ички сифат назорати	Ўтказилаётган аудиторлик текширувнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ келувчи ички сифат назорати тадбирлари	Аудитга оид вазифалар бажарилишини мувофиқлаштирувчи ички стандарт; Аудиторнинг иш ҳужжатларидаги назорат имзоси; Назорат варақалари ёки бошқа иш ҳужжатлари
Профессионал омилкорликнинг тегишли даражаси	Аудиторлар ва ўзларига юклатилган ишни бажараётган аудитор ёрдамчиларининг профессионал омилкорлигининг таҳлили	Ички стандарт; Текширув раҳбарининг аудиторлик гуруҳини тайинлашга доир иш ҳужжатларидаги имзоси
Иш керакли даражада синчиклаб бажарилишига бўлган ишончни таъминлаш	Аудитор ёрдамчиларига иш кераклича синчиклаб ва мазкур вазиятларда зарур бўлган профессионал омилкорлик билан бажарилишига бўлган ишончни таъминлаш мумкин бўлган тарзда топшириқ бериладиган тартибни ўрнатиш	Ички стандарт; Аудит режаси; Аудит дастури
Аудиторлик тадбирлари ўтказиш тўғрисидаги зарур ахборот ва кўрсатмалар олиш	Аудиторлик текшируви раҳбари томонидан иш топширилаётган аудиторлар ва аудитор ёрдамчиларига тегишли тадбирлар ўтказиш ҳақида бериладиган аниқ кўрсатмалар; Ходимларни аудитдан ўтказилаётган шахс фаолиятининг характери ва бухгалтерия соҳасида учраши мумкин бўлган муаммолар каби жиҳатлардан хабардор қилиш	Худди шундай
Аудит дастури тузилиши устидан назорат	Аудит дастури, шунингдек, вақт сарфи сметаси ҳамда аудитнинг умумий режасини тузиш йўли билан аудитор ёрдамчилари эътиборига аудит ўтказишга доир кўрсатмаларни етказиш	Худди шундай
Белгиланган назорат ишларининг бажарилиши	Қуйидагиларни аниқлаш учун аудитнинг боришини назорат қилиш: аудитор ёрдамчилари ўзларига топширилган вазифаларни бажариш учун зарур кўникма ва билимларга эгами; аудитор ёрдамчилари аудит ўтказишга доир кўрсатмаларни тушунадиларми; иш аудит дастури ва	Иш ҳужжатлари

¹Муаллиф ишланмаси

	умумий режасига мувофиқ бажарилаяптими	
	Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит соҳасидаги муҳим масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг муҳимлигини баҳолаш ва аудит дастури ҳамда умумий режасига тегишли ўзгартишлар киритиш	Аудит режаси; Аудит дастури; иш ҳужжатлари
	Ходимларнинг профессионал мулоҳазаларидаги тафовутларни баргараф этиш	Оғзаки маслаҳатлар
Ўтказилаётган аудит натижалари устидан кераклича назорат	Қуйидаги масалалар бўйича билимлари тенг даражада бўлган ҳар бир аудитор ёрдамчиси ва ходимлар томонидан бажарилаётган ишларни текшириш: иш аудит дастурига мувофиқ бажарилганми; бажарилган иш ва олинган натижалар ҳужжатларда керакли даражада расмийлаштирилганми; аудитнинг барча муҳим жиҳатлари аудиторлик хулосаларида акс этирилганми; аудиторлик тадбирларининг мақсадларига эришилганми; чиқарилган хулосалар бажарилган ишлар натижаларига мос келадими, улар аудиторлик фикрини тасдиқлайдими	Ички стандарт; иш ҳужжатлари
Назорат тадбирлари тўла ўтказили-шини таъминлаш	Ўз вақтида текшириш: - аудит дастури ва умумий режаси; - ички назорат воситалари хатари ва ажралмас хатарларнинг аҳамияти; - текширув натижасида олинган аудиторлик далиллари ва улар асосида чиқарилган хулосанинг ҳужжатларда акс этиши; - молиявий ва бухгалтерия ҳисоботи	Худди шундай
Аудит сифатини аудиторлик хулоса-си тақдим этилгунга қадар текширилишини ташкил қилиш	Аудит ўтказишга оид ишларнинг ушбу аудиторлик текширувида қатнашмаган аудиторлар томонидан текширилиши; Аудиторлик хулосаси тақдим этилгунга қадар қўшимча назорат тадбирларининг бажарилиши	Ички стандарт; Муस्ताқиллик ва ҳолислик тўғрисида баённомалар; Сўров варақалари

Мазкур ташқи сифат назоратини ўтказишга доир методиканинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда аудиторлик ташкилотда ичкисифат назорати тизимига катта эътибор қаратилади. Ишлаб чиқилган ва аудиторлик ташкилотларида самарали фойдаланилаётган ички сифат назорати тизими ўтказилаётган аудиторлик текширувлари сифатини таъминлашда асосий омил бўлиб қолмоқда.

Натижалар. Ҳозирги кунда суҳбатга малакали психологларни таклиф қилиш ҳам мақсадлидир. Ҳар бир мутахассис учун олдинги иш

малакасида қатъий назар синов муддатини бериши лозим. Чунки ушбу ташкилот учун унинг малакаси муҳим аҳамият касб этмаслиги мумкин. Булардан ташқари ташкилотда ходимларни малакасини ошириш мақсадида қайта аттестациялашнинг доимий равишда амал қилувчи тизими бўлиши лозим. Ташкилотда ички семинарларни тематикаси ва уни ўтказиш рафиғи тасдиқланган бўлиши лозим. Ходимларни малакасини ошириш бўйича ишлар пухта режалаштирилган ва яхши ташкиллаштирилган бўлиши даркор. Кичикроқ ташкилотларда бундай

ишлар бир ходимга, катта ташкилотларда эса махсус бўлинмага юклатилган бўлади. Амалиётни кўрсатишча ғарб аудиторлик ташкилотларда ички фирма семинарларини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш ташкилот ходимларининг мажбуриятлари ҳисобланади. Бундай ишларни мукамаллиги ва сифати хизмат зинапоялари бўйича кўтарилишда эътиборга олинади. Шунинг учун барча ходим-лар бунга пухта тайёрландилар. Аввал мутахассис тематикасини ва қайси гуруҳ тингловчилари учун мўлжалланган эканлигини эълон қилади. Тематика фирма раҳбарияти томонидан тасдиқланганидан сўнг мутахассис ўқитувчи ва тингловчилар учун материаллар танлайди ва уларни керакли бўлимга тақдим этади. Ана шу жараёнларни барчаси амалга оширилгандан сўнг семинар ўтказилади.


Аудиторлик ташкилотлари иши сифати ташқи назоратининг объекти сифатида аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг белгиланиши аудит иши сифатини назорат қилиш мезонларини аниқлаш ҳамда аудиторлик текшируви ва турдош хизматларнинг кўрсатилишида аудит стандартларининг ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишига қатъий асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, аудит иш сифатини текширишда қўлланиладиган ташкилий чора-тадбирлар, услублар ва тартиб-таомиллар тизимини аниқ ва тўлиқ ёритиб беришга замин яратган. Бунинг натижасида аудиторлик ташкилотлари томонидан иш сифатини назорат қилиш принциплари ва қоидалари, уларни қўллаш тартиб-таомиллари ишлаб

чиқилган, шунингдек аудит жараёнида текширишнинг умумқабул қилинган стандартлари билан қарама-қаршиликлар юзага келмаслигининг олди олинган.

Жорий назоратни олиб борувчи профессионал ходимлар қуйидаги функцияларни бажаради:

- Юклатилган топшириқларга ижрочиларнинг билим ва малакаси етарлилигини текширади;
- юклатилган топшириқларни ижрочиларга тушунарли эканлигини текширади;
- бажарилаётган ишлар аудитнинг умумий режаси ва дастурига мувофиқлигини аниқлайди;
- аудит жараёнида аниқланган, бухгалтерия ҳисоби ва аудит юзасидан келиб чиққан муаммоларни аниқлаш.

Бажарилган ишлар натижаларини текшириш ҳар бир ижрочи ва ходимлар томонидан амалга оширилади. Иш натижалари текширувини амалга оширувчи ходимлар текширилган иш ҳужжатларига ўзларининг имзолари ёки шартли белгиларини қўйишлари лозим. Зарур ҳолларда эса текширувчилар текширилувчи ҳаракатларига баҳо, тавсия ёки изохлар бериши мумкин. Аудиторлик ташкилоти раҳбари бажарилган ишнатижалари текширувини фақатгина аудит ўтказган гуруҳ ходимларига эмас, балки бошқа зарур малакага эга бўлган мутахассисларга ҳам топшириши мумкин. Аудиторлик ташкилотидаги бундай мустақил ва параллел текширув, йирик ва мураккаб хўжалик юритувчи субъект аудити шароитида тавсия этилади.



1-расм. Аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш алгоритми

Мазкур алгоритмнинг қўлланилиши аудиторлик ташкилотлари иши сифати ташқи назоратдан ўтказиш самарадорлигини оширишга ва мувофиқлаштиришга хизмат қилган. Ваколатли органлар томонидан ташқи сифат назоратини ўтказиш жараёнида қулайликлар ва енгилликлар яратилишига эришилган. Шунингдек, аудиторлик ташкилотининг ташқи сифат назорати харажатларини минималлаштиришга ҳамда аудиторлик ташкилотидида усуллар ва ташкилий тузилманинг самарали ишлашини таъминлаш учун ахборотларни мақсадли таҳлил қилишга хизмат қилган.

Аудиторлик ташкилотларига қулайлик ва енгилликлар яратиш мақсадида бир қатор янги нормалар киритилди. Жумладан, аудиторлик ташкилотларининг устав капитали миқдори га бўлган талаб бекор қилинди. Устав фонди (устав капитали) аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланадиган мол-мулкдан, шу жумладан, пул маблағларидан шакллантирилади.

Ташкилот ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил бўлиб, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас. Унда асосий иш жойи ҳисобланган камида тўрт нафар аудитор бўлиши, филиалининг раҳбари эса, албатта, аудитор бўлиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан эътиборан уч ой давомида у ҳақидаги маълумотлар Аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилмаган тижорат ташкилоти ўз номида "аудиторлик ташкилоти" деган сўз бирикмасидан

фойдаланишга ҳақли эмас.

Қонунга кўра, халқаро амалиёт асосида аудиторлик хизматларининг таркиби аниқланди. Айнан шундай хизмат турлари МДХ мамлакатлари қонун ҳужжатларида ва аудитнинг халқаро стандартларида мавжуд.

Мунозара Аудиторлик фаолияти сифатини назорат қилиш тизимининг тамойиллари, 55 та мамлакатни, шу жумладан МДХ давлатлари ичидан Россия Федерациясини бирлаштирган Халқаро мустақил аудиторларни тартибга солувчилар форуми IFIAR томонидан ҳам эълон қилинган. [8.3]

IFIAR нинг асосий принциплари бутун дунё бўйлаб аудиторлик фаолияти устидан самарали мустақил назоратни ривожлантиришга қаратилган ва IFIAR нинг 11 асосий тамойиллар аудитни бошқариш, сифат назорати ва аудит тизимининг самарадорлиги учун асос яратади, улардан баъзилари:

- аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи органлар ўз фаолиятида мустақил бўлиши керак. Мустақиллик деганда тартибга солувчи фаолиятни амалга ошириш, шунингдек, тартибга солинадиган шахсларнинг ташқи аралашувисиз қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш қобилияти тушунилади;

- аудит регуляторлари, ҳеч бўлмаганда, ижтимоий аҳамиятга эга ташкилотларни амалдаги касбий стандартлар, мустақиллик талаблари ва бошқа қонунлар, қоидалар ва қоидаларга мувофиқлигини баҳолаш учун аудиторлик ташкилотларини вақти-вақти билан текширувдан ўтказиши керак.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги (кейинги ўринларда Бирлашган Қироллик деб юритилади) кўп йиллик мустақил назорат тажрибасига эга давлатдир.

Ҳозирги вақтда FRC аудиторлик фаолияти соҳасида мустақил назоратни таъминлайдиган органда[8.4] ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Аудитор иши сифатини умумий назорат қилиш қуйидагиларга: аудиторларнинг маълум шахсий хусусиятларига (ҳалоллик, объективлик, мустақиллик, профессионаллик, компетентлилик), аудиторлик гуруҳи аъзолари ўртасида ишларнинг асосли тақсимланганлигига; сифат стандартларига риоя қилиниши бўйича аудиторларнинг ишлари устидан назоратга; аудит ташкилотларидаги иш сифатини ички назорат қилиш сиёсати ва амалларининг самарадорлиги устидан назорат ўрнатилишига асосланади.

Аудитор иши сифатини юқорида келтирилган назорати масалалари унинг дастлабки, жорий ва кейинги назоратини ташкил этиш билан таъминлаши лозим.

Амалда дастлабки назорат аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларини аттестациядан ўтказиш ва лицензиялаш босқичида бажарилади.

Жорий назорат икки йўналишда амалга оширилади: алоҳида аудиторлик текширувларини жорий назорат қилиш ва аудитнинг умумий назорат қилиш.

Аудитор иши сифатини кейинги назорати ташқи назорат масалалари орқали амалга оширилади

Аудитор иши сифатини назорат қилишни ташкил этиш йўналишлари қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади: иши сифатини назорат критерийлари; назорат йўналишлари; назорат шакллари.

Аудитор иши сифатини назоратининг асосий критерияларига Ўз.Рес аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонун меъёрлари; Ўз.Рес. аудиторлик фаолиятининг ташкил этиш шартлари ва

лицензиялаш талабномалари; Професионал ахлоқ қоидалари; халқаро аудит стандартлари талабларини келтириш мумкин.

Аудитор иши сифатини назорат йўналишларига алоҳида аудиторлик текширувларини назорат қилиш ва умумий сифат назорати амаллари киради.

Алоҳида аудиторлик текширувларини назорат қилиш бу аудиторга Қонун ҳужжатларда белгиланган мустақиллик ва экинлик ваколатларни берилиши, аудиторлар ишини жорий назоратини кузатуви, аудитор ишини стандартларга мувофиқ бажарилиши текшириш каби масалаларни ўз ичига олади.

Хулоса.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари ва аудиторлик хизматларини кўрсатади, шартнома асосида иш олиб боради. Шундай қилиб, аудиторлик ташкилотларининг ички ва ташқи иш сифатини назорат қилиш ва баҳолашда қўлланиладиган назорат амалларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қонунда аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби баён қилинган. Унда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олишга йўналтирилган ва аудит мустақиллигини таъминловчи аудиторлик текшируви ўтказишдаги чекловлар санаб ўтилди. Хусусан, кетма-кет етти йилдан кўпроқ айни бир хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини ўтказишга ҳақли эмаслиги бўйича тақлиф берилган.

2. Аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга қўллаш бўйича тақлиф берилган. Мазкур алгоритмни қўллаш натижасида аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш



жараёнида юзага келадиган номувофикликларни олдини олишга хизмат қилган.

3. Аудитлолик текширувини ўтказиш жараёнида ички сифат назоратининг мақсадихамда бажариладиган ишлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган. Мазкур ишчи хужжатнинг қўлланилиши натижасида

аудиторлик текшируви жараёнида бош аудиторнинг ўз қўл остидаги аудиторлар ва ёрдамчи аудиторларини ишларини назорат қилишидаги бажариладиган назорат тадбирларини бажаришларини енгилаштиришга ҳамда мазкур назорат тадбирларининг самарали бажарилишига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2021 й. ЎРҚ-677-сон "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 10.11.2020 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 05.02.2021 й. маъқулланган)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2018 й. ПҚ-3946-сон "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.08.2021 й. ПҚ-5210-сон "Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 й. ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 11.04.2022 йилдаги 171-сон
6. Молия вазирининг 24.09.2021 й. 56-сон "Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги Буйруғи (АВ томонидан 29.09.2021 й. 3321-сон билан рўйхатга олинган)
7. Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари. Таржима УБАМА 2014.
8. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита. Под редакцией, -М.: Юрайт. 2016. -458 с.
9. https://www.abbreviationfinder.org/ru/acronyms/sox_sarbanes-oxley-act-of-2002.html
10. <http://base.garant.ru/71364274/>
11. <https://www.ifiar.org/>
12. <https://www.frc.org.uk/>
13. https://www.ifac.org/system/files/meetings/files/6086_0.pdf